

Сув - ҳаёт манбай

9 - Маъруза

СУВ ОМБОРЛАРИНИ ЛОЙҚА БОСИШИ



ТОШКЕНТ - 2014

Мавзулар

- 1. Сув омборлари динамикаси**
- 2. Сув омборлари лойқа босишини белгилайдиган омиллар**
- 3. Сув омборлари узунликлари буйича оқизиқлар түпланиши**
- 4. Қирғоқларнинг қайта шаклланиши**
- 5. Лойқа босиш хажми ва муддатини ҳисоблаш усуллари**
- 6. СО лойқа босишини олдини олиш ва камайтириш чоратадбирлари**
- 7. СОларининг седиментация баланси**
- 8. Седиментация баланси элементларини миқдорий баҳолаш**

Маълумки, ер юзидағи айрим дарёлар жуда ҳам лойқа оқади. Натижада бундай дарёларда барпо этилган сув омборларини тез лойқа боса бошлайди, оқибатда уларнинг сув сигими йилдан-йилга камая боради. Айрим ҳолларда эса улар бир неча йил мабойнидаёқ дарёлар оқимини жиловлаб туриш учун яроқсиз ҳолга келади.

Масалан, Туркманистон Республикасидаги Мурғоб дарёсида барпо этилган Султонбент сув омборининг сув сигими қурилганидан кейин 15 йил ичидаги 70 фоизга камайиб қолган.

Умуман, шуни таъкидлаб ўтмоқ зарурки, тез лойқа боса борганлиги сабабли тоғли ҳудудлардаги сув омборларининг "умри" қисқа бўлади.

Ана шу хусусиятига кўра улар текисликлардаги сув омборларидан тубдан фарқ қилади.

Сув омборларига дарё ёки каналлар суви билан оқиб келадиган лойқа оқизиқлар түғрисида қисқача тұхталиб үтәмиз.

Масалан, Каттақүрғон сув омборига канал орқали келиб қуиилаётган сув билан бирга секундига 22 кг ёки аниқроғи ҳар йили үрта ҳисобда 0,847 млн. метр куб оқизиқлар келиб чўкади.

Натижада сув омборининг сифими йилига шунча миқдорга қисқаради.

Лойқа оқизиқларнинг чўкиши туфайли Косонсой сув омбори ҳажми у қурилганидан бошлаб ҳар 10 йилда 2,5 фоиздан 3 фоизгacha қисқармоқда.

Қуийимозор сув омборига келиб қуиилаётган сув секундига үртача 50 кг га яқин лойқа оқизиқларни келтириб ётқизади.

СО - чўкиндилар аккумулятори ҳисобланади.


СОни лойқа босиши таъсирлари:

- бошқариладиган сув ҳажми камаяди, самарадорлик пасаяди
- сув сатҳи эгри чизиги (кривая подпора) юқори бъеф бўйлаб кўтарилади
- сув босадиган майдон кенгаяди
- сув сатҳи нишаблиги ошади
- оқим тезлиги ўзгаради
- асосан муаллақ оқизиқлар, қисман чўкиндилар ҳаракат тезлиги ортади



Лойқа босиш жараёнида СО лари Зта зонага бўлинади:

- **Юқори зона** - оқим режими кам ўзгаради, чўкиндилар ҳажми кам, чўкиндилар йирик
- **Ўрта зона** - гидравлик шароит ДП (дополнительн. подпор) ҳисобига кучли ўзгарган, чўкиндилар майда, қумсимон фракциялар
- **Қуий зона** - майда, лойсимон фракциялар




Күтарилган сув сатҳи (ТМГУ)

Нишаблик кичик бўлса:

- ДП узунлиги катта бўлади,
- оқизиқлар чўкадиган майдон узун ва тарқоқ бўлади.

Нишаблик катта бўлса:

- чўкиндилар йирик бўлади,
- кичик майдонда тўдаланади,
- ҳажми катта бўлади.



Лойиҳалаштиришда СО лойқа босишининг даври аниқланади

$$T=W/(G/\rho_{омл})$$

Бу ерда:

W – СО ҳажми

G – ўртача кўп йиллик оқизиқлар ҳажми, млн.т/йил

$\rho_{омл}$ – чўкиндилар зичлиги, т/м³

0,4-0,6 – лойқа учун

1,0-1,2 – қум аралаш лойқа

> 1,5 - қумсимон

СОни лойқа босишини 2 этапга бўлинади:

1. Подпор соҳасида лойқа массаси бўйлама нишаблиқда шакланади, ва ўзан шакллантирувчи оқизиқларнинг транзитини таъминлайди. Бунда массанинг энг баланд отметкаси, сув ташлагандаги энг паст отметкага teng.
2. Тўғон олдида лойқа массасининг отметкаси НССга teng.

Ҳар бир этап охирида лойқа массасида ўртача сув сарфини Q_o ўтказиш қобилиятига эга бўлган ўзан шаклланади. Унинг кенглиги B ва чуқурлиги h_{cp} га тенг бўлиб, оқимнинг бошқа параметрлари билан қуйидагича боғланган:

$$Qo = \nu * B^* h_{cp}$$

$$B^{1/2}/h_{cp} = \Gamma$$

$$V = C^*(I^*h_{cp})^{0,5}$$

$$C = h_{cp}^y/n$$

Бу ерда $\Gamma = 4...5$ морфологик боғликлар коэффициенти, $m^{-0,5}$

I – лойқа массасидаги сув ўзанинг бўйлама нишаблиги

n – ғадир-будурлик коэффициенти

$y=1/6$ – даража кўрсаткичи

Бу шароитда юқоридан келаётган сувнинг табиий лойқаликлиги (мутность)

ρ_o га тенг бўлган оқизиқларнинг транспорти таъминланиши лозим.

У оқим тезлигига боғлиқ бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$\rho = a[y/h_{cp}]^{1/3}$$

a - эмпирик коэффициент, кузатиш натижаларига асосланади.

Бу тенгламаларни ечиб:

- **loyқа массасида шаклланадиган нишаблик**
- **loyқа призмаси ҳажми**
- **loyқа босиши даври аниқланади.**

Сув омборларининг седиментация баланси

Сув омборларининг седиментация (чўқмалар ҳосил бўлиши) балансини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Сув омборларининг седиментация баланси тенгламаси қўйидагича ифодаланади:

$$W = W_{\text{чўкма}} + W_{\text{кирим}} + W_{\text{кирғоқ}} + W_{\text{эол}} - W_{\text{чиқим}} \pm \Delta W,$$

бу ерда:

$W_{\text{чўкма}}$ - сув омборида чўкиб қолган лойқа оқизиқлар ҳажми;

$W_{\text{кирим}}$ - сув омборига дарёлар, сойлар келтириб қуядиган лойқа оқизиқлар ҳажми;

$W_{\text{кирғоқ}}$ - сув омборига қирғоқларнинг емирилиши, қулаб тушиши натижасида қўшиладиган тоғ жинслари ҳажми;

$W_{\text{эол}}$ - сув омборига шамол келтирган, чанг-тўзонлардан ҳосил бўладиган чўқмалар;

$W_{\text{чиқим}}$ - сув омборидан чиқиб кетадиган лойқа оқизиқлар ҳажми,

ΔW - ҳисоб даврида сув омборидаги чўқмалар ҳажмининг ўзгаришини ифодалайди.

Юқоридаги катталикларни оғирлик миқдорида (тонна ёки кг) ёки ҳажм кўринишида ифодалаш мумкин. Маълумки, сув омборларининг сифими ҳажм бирликларида (м^3 , км^3) ифодаланади. Шу туфайли сув омборида чўккан лойқа оқизиқлар миқдорини ҳажм бирлигига ҳисоблашда қуйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$V_R = \frac{W_{\text{чукма}}}{\gamma_R},$$

бу ерда: V_R -сув омборида чўкиб қолган лойқа оқизиқлар ҳажми;


$W_{\text{чукма}}$ - лойқа оқизиқлар оғирлиги

γ_R - лойқа оқизиқларнинг солиштирма оғирлигини ифодалайди. Унинг қиймати турли сув омборларида турлича бўлади ва бу ўзгариш сув омборлари ҳавzasидаги тоғ жинсларининг хусусиятлари билан аниқланади.


Хатто биргина сув омборининг турли қисмларида унинг қийматлари турлича бўлиши мумкин.

Масалан, Чорбоғ сув омборида унинг қиймати $1,49 \text{ т}/\text{м}^3$ га teng.



СОни лойқа босиши модели – MOHID – ТМГУ мисолида





СО иш режиминың лойқа босишига таъсири: сув кам йил




ТМГУ Ўзан СОнинг йиллар давомида лойқа босиши



ТМГУ СОларининг эксплуатация давлида ўзгариши: СС ва ҳажмининг муносабати



ТМГУ Ўзан СОнинг иш режими



ТМГУ СОларининг мавжуд иш режими ва такомиллашган иш режимида хизмат кўрсатиши даври



**Эътиборингиз үчүн
раҳмат**